

02D709253B1

73102

ШАРТНОМА № 21-7/10

“10” 01. 2022й

Андижон шаҳри

Андижон вилояти «Андижон Дори-Дармон» акциядорлик жамияти бошқарув раиси А.Ахмаджонов .. кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи бир томондан Марҳуман Мухаммад мубоҳим бираҳимов
3. Умаров.

кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1 Шартнома моҳияти

- 1.1. “Таъминотчи” “Харидор”нинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёлар ва стерилланган дориларни узининг тизимдаги “7-сонли дорихона” орқали икки томонлама келишилган 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади. Шартномага асосан олинadиган товарнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми булган ушбу 1-иловада курсатилади. “Харидор” эса олган махсулотлари учун туловни “Таъминотчи”нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.
- 1.2. Шартноманинг суммаси Бир миллион беш юз саксон етти минг сўм белгиланди (суммага транспорт харажатлари кирмайди). икки юз йогурта саккиз.

| № | Товар номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|-------------|-------------------------------|---------------|---------|---------|---------|
| 1 <u>24</u> | Морфин р-р 10мг/мл 1мл | амп | 100 | 4980 | 498000 |
| 2 <u>28</u> | Омнопон р-р п/к 1 мл | амп | 50 | 9550 | 477500 |
| 3 <u>28</u> | Промедол р-р д/ин 20мг/мл 1мл | амп | 50 | 8980 | 449000 |
| 4 <u>30</u> | Фентанил 5мкг/мл 2мл | амп | 50 | 3254,56 | 162728 |
| | ЖАМИ | | | | 1587228 |

2. Махсулотнинг сифати

2.1. “Таъминотчи” “Харидор”га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка, ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 3.1. Ҳисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.
- 3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначчилик булимидан рўйхатдан утиб 5 банк иш кунда «Харидор» етказиб берилadиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) яъни 477500.00 (Бир юз саксон етти минг 750 000.00) сўми сумми олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.
- 3.3. Колган охириги 70% (фоизи) 1109960.00 (Бир миллион беш юз йети минг элик тўққуз юз 60.00) сумини «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 90 банк иш кунда утказиб беради.
- 3.4 «Харидор» томонидан 15% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг талабнома асосида «Таъминотчи» 3 банк иш кун давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.
- 3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» ҳисобидан қопланади.

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари

- 4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш “Таъминотчи” томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарнинг “Таъминотчи” оморидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилишда “Харидор” томонидан уни микдори, сифати ва рўйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.
- 4.2. Гиёҳванд, захарли ва психотроп дори-дармонларни “Харидор” томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус рухсатномаларни тақдим қилиниб, сўнг “Таъминотчи”нинг оморхонасидан олиб кетади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

- 5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдилар.
- 5.2. «Таъминотчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:
 - берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)ни қабул қилишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
 - агар «Товар (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйган булса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур .
- 5.3 «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
 - камчиликларни бепул баргараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини қопланишини талаб қилишга;
 - мазкур шартнома шартлари бажарилмаганини натижасида етказилган зарарни қопланишини «Таъминотчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида” қонуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

6.2. “Таъминотчи” жавобгарлиги:

6.2.1. “Таъминотчи”нинг айбон билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юбориши “Таъминотчи” томонидан кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундиришга ҳақли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айбон билан етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида алоқанинг ҳолда, у ҳолда “Таъминотчи” сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бундан қўшимча қилиб барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи”нинг ҳисоб – ҳисобларида маҳсулот солинган кутилар (тара) ни қайтарилиши кайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юқиниб турган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган куйидаги форс - мажор ҳолатларида қисман ёки тўлиқ оқибатга учирадилар: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилинган товарлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар ҳал қилинганда томонлар ёзма равишда огохлантириш хати берадилар. Огохлантириш хатини жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Хўжалик судида кўриб чиқилади. Хўжалик судини қарори ҳал этувчи ҳужжат ҳисобланади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Ҳуқуқий ҳалқнинг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан белгиланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юз бергани ҳақида хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сўнг 31-декабр 2020 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”ни ҳар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма шартномасида тақдим этади, бунда товарнинг номи, миқдори курсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида танлибдор берилган ҳолда танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори – дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши шарт бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзоланган кундан тегишли газначилик булимида руйхатга олингандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид бўлган шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”
«Андижон Дори-Дармон» АЖ
711000, Андижон вилояти,
Огоҳий куча №1-й
х/р 20210000800177073001
Миллий Банк Андижон филиали

“ХАРИДОР”
Марҳамат ТТБ.
Манзил: Марҳамат ш. Широк
Тел/Факс йўли 1-46.
ш/х 100032660032253102054801

МФО 00074

0218892

46460

факс: 0-374- 237-41-33



Handwritten signature

СТИР 200286454 ОКНХ 91511

Газначилик булинмаси номи

Газна х/р 23402000300100001010

Банк номи Нарқазий Банк

МФО

газначилик

Булинмаси СТИР

Рахбар



Хулоса.

Мазкур шартнома Узбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзолаш мумкин.

«Анджон Дори-Дармон» АЖ
Хуқуқшуноси

Юсупов С

"Андижон Дори-Дармон" АЖ 7-сонли дорихонаси


тасида тузилган № 21-7/10 сонли « _____ » _____ 2022 йилдаги шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

| Товар номи | Улчов бир | Миқдори | Нархи | Сумма |
|---------------------------------|-----------|---------|----------|--------------|
| Морфин рр 10мг/мл1мл | амп | 100.00 | 4 980.00 | 498 000.00 |
| Омнопон рр пак1мл1,44+11,5+5,41 | амп | 50.00 | 9 550.00 | 477 500.00 |
| Промедол рр дини 20мг/мл 1мл | амп | 50.00 | 8 980.00 | 449 000.00 |
| Фентанил 5мг/мл 2мл рр | амп | 50.00 | 3 260.00 | 162 728.00 |
| | ЖАМИ | | | 1 587 228.00 |



М.Махмудов



ХАРИДОР

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№ QD70825381

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Maxsulot yetkazib berish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Tuman tibbiyot birlashmasi 03.02.2022 yil.

Loyiha amaldagi qonun talablariga muvofiq ravishda ishlab chiqilgan,
imzolash maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



K.Abdusalomov
03.02.2022 yil